

Золимларга аталган чуқур



08:00 / 14.04.2019 3690

Ҳажжож Тоийдан ривоят қилинади: «Сулаймон ибн Абдулмалик ҳаж қилди. Хизматкори ҳам у билан бирга отланиб: «Эй мўминларнинг амири, менга нима хизмат?», деди. Сулаймон ибн Абдулмалик: «Менга бирор фақиҳни олиб келинглар, ундан ҳажга оид баъзи масалаларни сўраб оламан», деди. Уларнинг олдидан Товус ўтиб қолган эди, одамлар: «Бу киши Товус Ямоний», дейишди. Хизматкор уни тўхтатиб: «Мўминларнинг амирига жавоб бер», деди. Товус халифанинг олдига боришдан бош тортиб, узр сўраган эди, уни мажбурлаб амирнинг ҳузурига олиб киришди. Киргач: «Эй мўминларнинг амири, бу мажлис ҳақида Аллоҳ мендан сўрайди. Жаҳаннамда шундай чуқур борки, тош ташланса, бориб тубига ўрнашгунча етмиш йил вақт кетади. Аллоҳ уни кимларга тайёрлаб қўйганини биласизми?», деди. «Йўқ. Аллоҳ уни кимлар учун тайёрлаб қўйган?» деб сўради Сулаймон. Товус жавоб берди: «Бу чуқур Аллоҳ томонидан ҳукм

чиқариш ҳуқуқи берилган, бироқ ноҳақ ҳукм чиқариб, зулм қилган одам учун тайёрлаб қўйилган». Бу сўзларни эшитган мўминларнинг амири қаттиқ таъсирланиб, йиғлаб юборди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан